

500 000 тонна пахта учун!

ЎЗБОМПАРТИЯ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ
ПЛЕНУМИ ШАРАФИГА

Областимиз пахтакорлари, йиғим-терим суръатини янада кучайтирайлик, ишчи кучларидан, терим машиналаридан тўла ва унумли фойдаланайлик, Андижон, Фарғона ва Бухоро пахтакорларига тенглашиб олиш учун курашайлик!

КОММУНИСТИК МЕХНАТ

БРИГАДАСИДА

ТЕРИМ ҚИЗҒИН ТУС ОЛДИ

Коммунистик меҳнат коллективи номини олишга муваффақ бўлган «Победа» колхозининг ўртоқ Мама-соли Очилов бошлиқ бригада аъзолари гўза парваришида колхоздаги ҳамма бригадаларга ўрнак кўрсатган эди. Ҳозир аса пахта йиғим-теримида ҳам барча бригада аъзоларига намуна бўлаётган.

Бригадада ҳар кун 2 тоннага яқин пахта терилиб, пунктларга жўнатилади. Топширилган пахтанинг ҳаммаси юқори сортга қабул қилинади.

Бригада аъзолари терим суръатини кун сайин ошириб бормоқдалар. Масалан, моҳир теримчилардан Хонбуви Очилов, Шарофат Жонмираева, Тожи Ҳолиқовалар теримнинг дастлабки кунларида 60 — 70 килограммдан пахта терган бўлсалар, ҳозир 100 — 115 килограммдан тараётдилар. Чевар теримчи Шарофат Жонмираева кўп пахта теришда бригадада рекорд қўйди. У кун кеча хирмонга 124 килограмм «оқ олтин» тўқди.

Терим бошлангандан шу кунгача давлат оморларига 30 тоннага яқин «оқ олтин» тўқди, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ М. Очилов, — суръатга-суръат қўшиб ишлаб, пахтадан мўл ҳосил олиб, коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номини оқлаймиз. Пахта тайёрлаш ва уни давлатга топширишда колхоз бригадалари ўртасида биринчилигини қўлдан бермаймиз.

Ўртоқ Мамасоли Очилов бошлиқ бригада аъзолари улуғвор етти йилликнинг иккинчи йилида 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун ана шундай кураш олиб бораётдилар.

Т. УМУРЗОҚОВ,
Бекбоб.

Илғор теримчилар



Суратларда: юқоридан пахтага ўрта Чирчиқ районидagi «XX партсез» колхозининг аъзоси Х. Турғунбева, Пискент районидagi Ворошилов номи колхозининг аъзоси Н. Абдуллаева ўртоқлар мавсумда хирмонга 20 — 25 тоннадан «оқ олтин» тўқиб мажбуриятини олиб, кунига 200 — 250 килограммдан пахта термоқдалар.



ҲАВОРАНГ КЕМАЛАР ПАХТАЗОРДА

«Малик» тажриба хўжалигининг 3-бўлимида. Мана бу ерлар ўртоқ Ҳамроқул Ризаев бошлиқ трактор-далачилик бригадасининг пахта майдонлари. Ҳу наридаги ерлар совхознинг машҳур механизатори ўртоқ Жаҳод Кучиев бошлиқ бригадага қарашли.

Ҳамроқул ака Ризаев бошлиқ бригада далада бирварақка 6 та пахта терим машинаси ишламоқда. Ўтган йили машина теримда катта муваффақиятларга эришган Токибой Жумаев, Турмуш Латипов, Қаҳҳор Аҳмедов ўртоқлар ҳам қаршимиздаги картада ҳаворанг кемаларни бошқармоқдалар.

Механизаторларимизнинг бу йили режалари тамоман ўзгача, — деб гап бошлади совхознинг бош агрономи ўртоқ М. Е. Красильников, — ўтган йили 75 процент ҳосилни машинада йиғиб олган эдик. Бу йил 80 ни мўлжаллашимиз. Мана бу механизаторлар аса, — у битта картада турна қатор бўлиб пахта тараётган механизаторларга ишора қилди, — камида 90 процент ҳосилни машинада теримиз дейишарди. Ҳоҳласангиз, Ойил Аҳмедов бошлиқ бригадада ҳам олиб бораман. Улар ҳам машина теримини бошлашди.

2-бўлим томон йўл олдик. Ойил Аҳмедов бригадаси совхоз марказининг ёнигасида экан. Бир картада 3 та терим машинаси гуррос сомоқда.

Мана бу зveno бошлиғимиз Кааанфур Нуриев бўлади, — таништириди бригадир Ойил Аҳмедов, — СХМ-48 машинаси билан мавсумда 150 тонна пахта термоқчи. Наригисис Исмоил Қодиров, орқада келаётган йиғит Райимжон Сойилов. Бу механик-ҳайдовчимиз терим машинаси рулига биринчи марта ўтирган. Шундай бўлса ҳам «СХМ» билан 80 тонна пахта теришга сўз берди.

Қалай, мажбуриятни бажара олмасми? — сўради колхознинг бош агрономи ўртоқ Красильников.

Машинам шундай юриб турса 80 эмас, 100 тонна ҳам бўлади.

Тажрибангиз оза, шунга айтияпман, — қўшиб қўйди агроном.

Бу тўғри. Лекин совхозимиз пахтачиллиги энг кўп даражада механизациялаш орқали ҳаммаёққа долг таратган. Қолаверса, ёнимдаги мана бу ҳамкасбларим тажрибали механик-ҳайдовчилар. Юқимиз ерда қолмайди.

«Малик» тажриба хўжалиги об-дастда биринчи бўлиб машина теримини бошлади. Шунинг учун ҳозирги субъатимиз ҳам мана шу ҳақда кетди. Бош агроном ўртоқ Красильников машина теримига йил бошидан пухта тайёргарлик кўрилганини ҳақиқда гапирар экан, бир нарсани алоҳида таъкидлади:

«Денигда бўлса керак, 8 сентябрь кун чикқан газеталарда совхозимизда дефляция бошланганиги хабар қилинган эди. Кўп кишилар, бу ишни эрта бошлаганимиз, деб биздан ҳафа бўлишди. Биз ўз билганимиздан қолмадик. Нимага десангиз, деб бундан буён об-ҳавонинг қандай келиши маълум эмас.

Дефляцияни эрта бошлаб, кўрган аараримиздан фойдамиз бегад ортик, — гапга аралашди бригадир Ойил Аҳмедов, — нимага десангиз, сентябрнинг биринчи ярмида гушдан чиққан кўсақ куз жуда яхши келгандагина тиш ёриб қолади. Ўн-дан пахта олиш қийин гап. Биз шунинг ҳисобига олиб, дефляцияни эрта бошладик. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, машина теримини об-дастда биринчи бўлиб бошлаб юбордик.

Бригадир Ойил ака Аҳмедов билан бу йилги режалар ҳақида суҳбатлашдик. Комплекс механизациялашган бу бригада йил бошидан бери ҳамма ишларни техника гарданига ортиб келаяпти. Ҳамма ерга қатор оралари бир метрдан қилиб чигит экилганлиги сабабли кўндалангига култивация ўтказилмади. Узунасида уч марта сифатли қилиб ишлов берилди.

Бизнинг асосий шиоримиз пахтанинг таннархини кескин камайтиришди, — дейди бригадир ўртоқ Аҳмедов, — култивацияда сон орқасидан эмас, балки сифат орқасидан қувганлигимизнинг бойи ҳам шунда. Ҳосилимиз ҳам чакки эмас. 180 гектар майдондан 31 центнердан «оқ олтин» кўтарамиз деб сўз берганимиз. Ваъданимизни ошириб бажарасек керак.

Совхоз бўйича бир центнер пахтанинг таннархини 120 сўмга келтириш мўлжалланибди. Сизнинг бригадангизда-чи?

Бизга қолса 60 — 70 сўмга туширар эдик, — жиддий гапирди бригадир, — лекин бу йилча бунинг иложи йўқ. Бир центнер пахтани кўпи билан 110 сўмга келтирамиз деган ниятимиз бор. Теримда машинадан унумли фойдалана берсак, кўлда теришдан узокроқ турсак, бу мақсадимиз ҳам амалга ошади.

«Малик» тажриба хўжалигидан бугун янги хушхабар олдик. Биз борганимизда хўжаликда жами 9 та машина ишлатган эдик. Ҳозир уларнинг сони 30 га етиб қолибди. Йили кунлар ичида ана 30 та терим агрегати ишга тушади.

Ойиллар янгидан кашф қилиниб, сиювдан ўтказиб мақсадли совхозга юборган 5 — 6 та янги тиндаги пахта терим машинаси ҳам етиштирилган ҳосилни йиғиб олишда совхоз пахтакорларига кўмак беради. Сирдарё районининг гигант хўжалиги — «Малик» совхозида ана шундай ишлар бормоқда.

С. СУЛТОНОВ.



Суратларда: 1. Оққўрғон районидagi «Озод» колхозида машина билан пахта териб пайти. 2. колхозининг чевар теримчиларидан (чапдан) Маисара Худойберганова, Салима Ғуломова, Ҳикоят Назирова ўртоқлар. Уларнинг ҳар бири кунига 150 — 200 килограммдан пахта териб, дугоналарига намуна бўлмоқда.

ШАЙДО АФРОИЛОВА ВАЪДАСИНИНГ УСТИ- ДАН ЧИҚМОҚДА

БҒКА, (ЎЗТАГ). «Ленин йўли» колхозининг аъзоси комсомол қиз Шайдо Афроилова йиғим-терим мавсумида ўттиз тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олди. Теримнинг дастлабки куниди бу ёш теримчи 123 килограмм пахта, иккинчи куниди — бир ярим центнер пахта топширди.

Звенo бошлиғи, комсомол аъзоси Расул Усмонов ҳам пахта теримда яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Мавсумда 25 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган бу қиз қон йиғит йиғим-теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб 100 килограммдан пахта териб топширмоқда.



(Социалистик мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районлар номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Юқори Чирчиқ	1,57	10,98	Сирдарё	0,73	4,03
Пискент	1,08	7,34	Бекбоб	0,74	4,21
Ўрта Чирчиқ	1,06	6,00	Ормонқидзе	0,54	4,00
Бўла	0,82	5,81	Янгийўл	0,60	3,61
Чиноз	1,05	5,41	Янгиер	0,65	3,33
Оққўрғон	0,86	5,19	Қўй Чирчиқ	0,36	2,40
Гулистон	0,84	4,62			



СОАТЛИК ГРАФИК АСОСИДА

Бепоеи пахтазор. Лўппи-лўппи пахталар кўзини қамайтиради. Терим авжиди. Катта пайкалнинг ўртасида эр-аёл теримчилар шавқ-завқ билан меҳнат қилмоқдалар. Карта четидagi хирмон кўтарилиб қолибди. Тарозибон Исмоил Бўрихўжаевнинг қўли-қўлига тегмайди.

Мана, бўйи-баста бир-бирига тенг келадиган икки қиз терган пахталарини кўтариб чиқшди.

— Тушгача неча килограмм бўлди? — сўрадик улардан.

— Ҳар биримизники олтиш килограммданга тўғри келади, — деб жавоб берди қизлардан бири. Булар колхозининг Ҳикматилла Ғоziхонov бошлиқ бригадасининг аъзолари Наима Юнусова ва Манзура Тўйчиевалар эди. Улар шу кун кечгача 100 килограммдан ошириб пахта теришди. Бригаданинг Назира Раҳимжонова, Маҳбуба Тўлаганова, Мақтуба Жамоллова, Назира Бердиева сингари ўндарча моҳир теримчилари ҳам ҳар кун 90 — 100 килограммдан ошириб пахта термоқдалар.

— Ҳозир эдик киши теримда қатнашяпти, — деди бригадир Ғоziхонov, сентябрь ойида йиллик планининг 40 проценти миқдориди пахта топширишга эришамиз.

Бригада аъзолари бу йил 140 гектар ерининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олишган.

Х. МУҚИМОВ,
А. ДАЛАБОВ,
Ормонқидзе районидаги Киров номи колхоз.

Нега шошилмайсиз?

Зиммага олган мажбурият катта. Далада шунга яраша ҳосил етиштирилган. Бу ҳосилни йиғиб-териб олиш қандай бормоқда?

Совхозимиз ишчилари фидокорона меҳнат қилишди, — дейди бош агроном ўртоқ Ҳикмат Муҳаммаджонов, — 3600 гектар пахта майдонимиз бор. Шундан 3 минг гектарини машина теримга ажратганимиз. Қўриқиб турибдики, бизда кўлда пахта терим учалини катта роль ўйнамайдилар. Шунинг учун ҳам ҳозирча суръат ишга тушгандан кейин отин кам-чилаймиз.

Жуда яхши гап. Совхоз теримини машиналаштириш соҳасида катта тадбирларни амалга оширмоқчи. Лекин шуниси борки, бу соҳада сўзгашликка йўл қўйилмоқда. Ҳозиргача 1500 гектар ерининг кўчасига дори сепилди. Хали яна шунча гектар ерда дефляция ўтказилиши лозим. Лекин, самолётнинг етишмаслиги туфайли бу иш қўзғиб юборилмоқда.

Машина йиридан, чиқадиган ерлар, хирмонларни тайёрлаш ҳам тўла тўлалмаган. Совхознинг машина-трактор паркига кирсангиз ремонтдан чиқарилиб тахт қилиб қўйилган агрегатларни кўрасиз. Аммо тўз барини тўқиб кўп жойларда сифатсиз ўтказилгандан уларни ишга тушириш учун ҳали имконият йўқ. Демак, шундай экан, ҳозирги пайдага ганимат фурсатини бой бермасдан кўлда пахта терилиши лозим бўлган қарарларга суръатини кучайтириш керак эди.

Фактлар шундай қилинмаётганини кўрсатади. Совхозда 14 сентябрда теримга тушилган. Ҳозиргача атиги 1,2 процент пахта тайёрланибди. Негат? Сабаби шундаки, бу ерда теримга ажратилган ишчи кучларидан унумли фойдаланилмаётган. Совхоз раҳбарлари, бўлим ва бригадаларнинг бошлиқлари белгиланган графикни бажарилиши учун зарур тадбирларни кўрмаётдилар. Совхоз бўйича терим учун 1100 киши

ажратилган. График бўйича ҳар кун 1 процент, яъни 106 тонна пахта теришлари лозим. Шунда сентябрь ойида пахтани кўлда териш юзасидан белгиланган график бажарилади. Ҳозирги кунда эса бу график бажарилмапти! Масалан, 16 сентябрда 634 киши 24 тонна пахта терган бўлса, 17 сентябрда 870 киши 33 тонна пахта терган, колос.

— Қолган кишилар нега теримга жалб этилмаган, — сўрадик агрономдан.

— Улар машина терим учун ажратилган ерларни тайёрлаш билан банд.

— Негат бўлмаса уларни кўлда пахта терадиганлар сафига қўшиб қўйибсизлар?

Бош агроном бу саволдан биров унғайсизланди.

— Шундай, — деди у, — яна икки — уч кундан кейин идора аппаратида ишловчи барча ходимлар, хонадорлардаги меҳнатга қобилиятли барча кишиларни ишга жалб қилиб кўлда териш графикни ҳам бажариш чораларини кўрамиз.

Совхознинг ўртоқ Маҳмуд Динаев бошқарувчи бўлган 2-бўлим даладаги бўлиганимизда юқорида санаб ўтилган камчиликлар очиб-ойдин равшан бўлди. Бу бўлимда 804 гектар пахта майдони бор. Ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олди. Кўлда пахта териш 12 сентябрдан бошланган. Лекин эдингизга 1,03 процент пахта тайёрланган. Негани, бу бўлим ҳам кундалик графикни бажармаётган. Ҳар кун 18 тонна пахта тайёрлаш ўрнига атиги 6 — 7 тонна пахта тайёрлаётган. Ҳар бир теримчининг ўртача терган пахтаси 37 — 40 килограммдан ошмайди. Ваҳоланки бўлимда Рафий Мустафоева сингари чевар теримчилар бор. Улар 120 — 130 килограммдан пахта термоқдалар. Гани эдик ана шундай қўшмаки килограммчилар сафи кенгайтирилса, графикда силжил катта бўларди.

«Ўзбекистон ССР беш йиллик» совхозининг даладаги ҳақиқатан ҳам мўл ҳосил етиштирилган. Бу ҳосилни ҳисобидан қилмасдан ўз вақтида йиғиб-териб олinsa, давлат 10600 тонна пахта топшириш юзасидан олган юксак мажбурият албатта бажарилади. Яна 2 — 3 кундан кейин машиналар ишга тушган совхоз пахтакорларининг суръатга — суръат қўшиб тобора кўпроқ пахта тайёрлашларига шавқ-завқ йўқ. Лекин шундай бўлса ҳам кўлда пахта теришга эътиборни кучайтграш керак. Ҳар бир теримчининг кундалик нормасини бажариши учун ғамхўрлик қилиш лозим. Ҳамма имконият қилиб бўлганча, нега шошилмайсиз, совхоз раҳбарлари?

Н. РИХСНЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири

«ТОШКЕНТ
ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 21 СЕНТЯБРЬ, 1960 ЙИЛ.

